



New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EiSSN 2181-2187

9 (83) 2025

Сопредседатели редакционной коллегии:

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:
М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
Л.М. АБДУЛЛАЕВА
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
М.А. АБДУЛЛАЕВА
Х.А. АБДУМАДЖИДОВ
Б.З. АБДУСАМАТОВ
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
С.М. АХМЕДОВА
Т.А. АСКАРОВ
М.А. АРТИКОВА
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
А.А. ДЖАЛИЛОВ
Н.Н. ЗОЛотова
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
А.С. ИЛЪЯСОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
А.М. МАННАНОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
М.Р. МИРЗОЕВА
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Ф.С. ОРИПОВ
Б.Т. РАХИМОВ
Х.А. РАСУЛОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОВЕВ
С.А. ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОВЕВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Ш.Т. САЛИМОВ
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
Б.Б. ХАСАНОВ
Д.А. ХАСАНОВА
Б.З. ХАМДАМОВ
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
Д.О. ИВАНОВ (Россия)
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
С.Н. ГУСЕЙНОВА (Азербайджан)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

**ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН
НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ
NEW DAY IN MEDICINE**

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Ташкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

10 (84)

2025

октябрь

www.bsmi.uz
https://newdaymedicine.com E:
ndmuz@mail.ru
Тел: +99890 8061882

Received: 20.09.2025, Accepted: 06.10.2025, Published: 10.10.2025

УДК 616-007.314-002-08

**ТУҒМА ЮРАК НУҚСОНИ МАВЖУД БОЛАЛАРДА СТОМАТОЛОГИК
ПРОФИЛАКТИКА КОМПЛЕКС ТАДБИРЛАР ТАЪСИРИ ОСТИДА ОҒИЗ СУЮҚЛИГИ
БИОФИЗИК ҲОЛАТИНИНГ ЎЗГАРИШ ДИНАМИКАСИ**

Хамроева Дилафруз Шукуровна <https://orcid.org/0000-0001-6242-6216>
E-mail: dilafroz_hamroyeva@bsmi.uz

Абу али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Ўзбекистон, Бухоро ш., А.Навоий
кўчаси. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ **Резюме**

Юрак нуқсони мавжуд болалар учун стоматологик профилактика комплекс чора тадбирлар алгоритмини яратдик. Туғма юрак нуқсони мавжуд болалар учун оғиз бўйлиги гигиена даражасини яхшилаш, кариеснинг амалий-қайта тиклаб даволаниши ва кечиктирилган пломбалаш, сўлак ажралаш тезлигини ошириш, реминерализацияловчи терапия, кариес профилактикаси ва яллигланишга қарши даво стоматологик профилактик комплекс тадбирлар ўтказилди. Бу тадбирлар натижасида бемор болаларда оғиз суюқлигининг физик-кимёвий ҳолатида патологик силжисиларни қайта тиклаш, тиш эмалини мустаҳкамлаш ва эмал реминерализация тезлигини қайта тиклаш, тишларда кариес жадаллиги даражасини камайитириш каби натижаларга эришилди.

Калит сўзлар: Юрак нуқсони, оғиз суюқлиги, кариес, реминерализация, профилактика.

**ДИНАМИКА ИЗМЕНЕНИЙ БИОФИЗИЧЕСКОГО СОСТОЯНИЯ РОТОВОЙ
ЖИДКОСТИ ПОД ВЛИЯНИЕМ СТОМАТОЛОГИЧЕСКОГО ПРОФИЛАКТИЧЕСКОГО
КОМПЛЕКСА У ДЕТЕЙ С ВРОЖДЕННЫМИ ПОРОКАМИ СЕРДЦА**

Хамроева Дилафруз Шукуровна <https://orcid.org/0000-0001-6242-6216>
E-mail: dilafroz_hamroyeva@bsmi.uz

Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сины, Узбекистан,
г. Бухара, ул. А. Навои. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ **Резюме**

Нами разработан алгоритм комплексной стоматологической профилактики у детей с пороками сердца. Детям с врожденными пороками сердца проведен комплекс профилактических стоматологических мероприятий, включающий улучшение гигиены полости рта, практическое и восстановительное лечение кариеса и несвоевременного пломбирования, усиление слюноотделения, реминерализующую терапию, профилактику кариеса и противовоспалительное лечение. В результате проведенных мероприятий достигнуты такие результаты, как восстановление патологических изменений физико-химического состояния ротовой жидкости у больных детей, укрепление эмали зубов и восстановление скорости реминерализации эмали, снижение интенсивности кариеса зубов.

Ключевые слова: Порок сердца, ротовая жидкость, кариес, реминерализация, профилактика.

**DYNAMICS OF BIOPHYSICAL CHANGES IN ORAL FLUID IN CHILDREN WITH
CONGENITAL HEART DEFECTS UNDER THE INFLUENCE OF COMPREHENSIVE DENTAL
PREVENTIVE MEASURES**

Khamroeva Dilafruz Shukurovna E-mail: dilafroz_hamroyeva@bsmi.uz

Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali ibn Sina, Uzbekistan, Bukhara, st. A. Navoi. 1
Tel: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ **Resume**

We have created a comprehensive dental preventive measures algorithm for children with heart defects. For children with congenital heart defects, a comprehensive dental preventive measures were carried out to improve the level of oral hygiene, practical and restorative treatment of caries and delayed filling, increase the rate of saliva secretion, remineralizing therapy, caries prevention and anti-inflammatory treatment. As a result of these measures, such results as restoring pathological shifts in the physicochemical state of oral fluid in sick children, strengthening tooth enamel and restoring the rate of enamel remineralization, and reducing the intensity of caries in teeth were achieved.

Key words: Heart defect, oral fluid, caries, remineralization, prevention.

Долзарблиги

Туғма юрак нуқсони мавжуд болаларнинг оғиз суюқлигининг физик - биокимёвий ҳолатида патологик ўзгаришлар бемор болаларнинг оғиз бўшлиғида бошқа ифодаланган силжишларнинг етарлича кенг комплекси, умумий соматик касалликнинг таъсири билан бир вақтда оғиз бўшлиғи аъзоларида белгиланган патологик ўзгаришларни оғирлаштиради. Ўз навбатида оғиз бўшлиғида ифодаланган клиник-патологик силжишлар бу касалликлар кечишида бир-бирига боғлиқ таъсир кўрсатувчи ёпиқ доирани ҳосил қилган ҳолда, асосий туғма юрак нуқсони касаллигининг кечувини чуқурлаштиради. Асосий касалликнинг оғирлигига боғлиқ равишда бемор болалар узоқ вақт давомида стационар даволашда бўлишга мажбурликлари туфайли, йилига камида 2 марта, даволашнинг давомийлиги 1 ойдан 2 ойгача чўзилиши мумкин. Шунинг учун бу тоифадаги бемор болалар учун стационар даволаш шароитида стоматологик профилактик комплекс тадбирларнинг ўтказилишини ташкил қилиш лозим. Бунда мутахассислар билан бирга стоматологлар туғма юрак нуқсони мавжуд болалар учун асосий касалликни даволаш фонида ўтказиладиган стоматологик профилактика комплекс тадбирларини тузишлари лозим.

Илмий тадқиқотнинг мақсади: Юрак нуқсони мавжуд болаларда оғиз бўшлиғи ҳолатини ўрганиш ҳамда баҳолаш, оғиз бўшлиғи касалликлари профилактикасини такомиллаштириш.

Материал ва усуллар:

Тадқиқотнинг объекти сифатида туғма юрак нуқсони билан касалланган 4-5 ёш ва 8-9 ёш бўлган бола жалб қилинди. Назорат гуруҳига ёш бўйича асосий гуруҳ билан ўхшаш бўлган соғлом бола киритилди. Тадқиқотнинг предмети сифатида оғиз суюқлиги, гигиена воситалари хизмат қилди.

Натижа ва таҳлиллар

Туғма юрак нуқсони мавжуд болаларда аралаш сўлакда ўрганилаётган кўрсаткичларининг ўзгариш динамикасининг ўрганилиши ўтказилган стоматологик профилактик комплекс тадбирлар (СПКТ) нинг таъсири остида қатор ижобий ўзгаришлар содир бўлишини аниқлаб берди (1-жадвал). Туғма юрак нуқсони кўк шакли мавжуд болаларнинг 1-ёш гуруҳида оғиз суюқлиги ажралиш тезлиги дастлабки қийматдан 1,24 марта юқори ва асосан даволашдан 6 ой ўтиб дастлабки даражадан 1,2 марта юқори даражада қолмоқда. 2-ёш гуруҳда мазкур кўрсаткич СПКТ ўтказилгандан сўнг 1,25 марта юқори, даволашдан 3 ой ўтиб эришилган даражада қолмоқда, кузатув якунида 6 ойдан кейин бирмунча пасаяди, лекин дастлабки қийматлардан 1,2 марта юқори даражада сақланди. Туғма юрак нуқсони оқ шакли мавжуд болаларнинг 1-ёш гуруҳида оғиз суюқлиги ажралиш тезлиги дастлабки натижадан 1,16 марта юқори, 3 ва 6 ойдан сўнг дастлабки натижадан пасайди, лекин юқори даражада сақланди ва 1,12 марта юқори кўрсаткични кўрсатди. 2-ёш гуруҳида дастлабки даражадан 1,2 марта юқори кўрсаткични кўрсатди. Бемор болалар назорат гуруҳида анъанавий даводан кейин оғиз суюқлиги ажралиш тезлиги ошди, 3 ва 6 ойдан сўнг дастлабки натижага тенг бўлди.

Тадқиқот гуруҳларида стоматологик профилактика комплекс тадбирлар негизида сўлак ажралиши меъёрий кўрсаткичлар чегарасигача ортди ва ижобий ўзгаришлар кузатилди.

Навбатдаги кўрсаткич, оғиз суяқлигининг қовушқоқлиги туғма юрак нуқсони кўк шакли мавжуд 1-ёш гуруҳда стоматологик профилактика комплекс тадбирлари ўтказилгандан сўнг 1,15 марта паст, 6 ойдан сўнг дастлабки қиймат билан таққослаганда 1,2 мартага пасайди. 2-ёш гуруҳда дастлабки қиймат билан таққослаганда – 1,2 мартага пасайгани аниқланди. 6 ойдан сўнг дастлабки натижадан 1,3 марта паст. Бемор болалар назорат гуруҳида анъанавий даволашдан кейин деярли ўзгариш кузатилмади, 3 ва 6 ойдан сўнг дастлабки кўрсаткичлардан юқори бўлди (2-жадвал).

1- жадвал

Туғма юрак нуқсони мавжуд болаларда стоматологик профилактика комплекс тадбирлар ўтказилгандан сўнг сўлак секреция тезлиги (мл/дак) кўрсаткичларининг ўзгариш динамикаси ($M \pm m$)

Ўрганилган вақт	Кўк шакли		Оқ шакли		Бемор болалар назорат гуруҳи
	1- ёш гуруҳ, 4-5 ёш	2- ёш гуруҳ, 8-9 ёш	1- ёш гуруҳ, 4-5 ёш	2- ёш гуруҳ, 8-9 ёш	
Даволашдан олдин	0,29±0,01*	0,28±0,01***	0,32±0,01**	0,31±0,01***	0,31±0,02
Даволашдан кейин	0,36±0,02*** x x	0,35±0,01 ^x	0,37±0,01 ^{x x x}	0,38±0,01 ^x	0,33±0,02
3 ойдан сўнг	0,35±0,01* ^{x x}	0,35±0,01* ^x	0,36±0,01**	0,38±0,01*** ^{x x}	0,30±0,02 ^x
6 ойдан сўнг	0,35±0,01*** ^{x x}	0,34±0,02*** ^{x x}	0,36±0,01*** ^{x x x}	0,37±0,01 ^{x x x}	0,30±0,02

Изох: * - бемор болалар назорат гуруҳига нисбатан (* - $P < 0,001$; ** - $P < 0,01$; *** - $P < 0,05$); ^x – Даволашдан олдинги натижаларга нисбатан фарқларнинг ишончилиги белгиланган (^x - $P < 0,001$; ^{x x} - $P < 0,01$; ^{x x x} - $P < 0,05$).

2- жадвал

Туғма юрак нуқсони мавжуд болаларда стоматологик профилактика комплекс тадбирлар ўтказилгандан сўнг сўлак қовушқоқлиги (ас.бир.) кўрсаткичларининг ўзгариш динамикаси ($M \pm m$)

Ўрганилган вақт	Кўк шакли		Оқ шакли		Бемор болалар назорат гуруҳи
	1- ёш гуруҳ, 4-5 ёш	2- ёш гуруҳ, 8-9 ёш	1- ёш гуруҳ, 4-5 ёш	2-ёш гуруҳ, 8-9 ёш	
Даволашдан олдин	4,25±0,17**	4,35±0,08*	4,20±0,20**	4,30±0,20**	4,20±0,22
Даволашдан кейин	3,70±0,09	3,69±0,12 ^x	3,75±0,20	3,69±0,20 ^x	4,10±0,24
3 ойдан сўнг	3,52±0,07*** ^{x x}	3,47±0,15*** ^x	3,56±0,14*** ^{x x x}	3,50±0,14*** ^x	4,19±0,27
6 ойдан сўнг	3,50±0,15 ^{x x}	3,40±0,13*** ^x	3,50±0,14*** ^{x x x}	3,56±0,14*** ^{x x x}	4,23±0,21

Изох: * - бемор болалар назорат гуруҳига нисбатан (* - $P < 0,001$; ** - $P < 0,01$; *** - $P < 0,05$); ^x – Даволашдан олдинги натижаларига нисбатан фарқларнинг ишончилиги белгиланган (^x - $P < 0,001$; ^{x x} - $P < 0,01$; ^{x x x} - $P < 0,05$).

Стоматологик профилактика комплекс тадбирлар динамикасида оғиз бўшлиғи рН муҳити дастлабки кўрсаткичлардан кучсиз кислотали томонга силжигани ҳамда барча гуруҳларда 6,7 кўрсаткич ва ундан юқори бўлганлиги гувоҳи бўлди. Туғма юрак нуқсони мавжуд болаларнинг оғиз суяқлигида кислота-ишқор мувозанатининг ўрганилиши рН кўрсаткичи ўзгаришининг қуйидаги динамикасини намоён қилди (3-жадвал). Туғма юрак нуқсони кўк шакли мавжуд 1-ёш гуруҳда ушбу ўрганилаётган кўрсаткич стоматологик профилактика комплекс тадбиридан сўнг 1 мартадан ортиқ юқори, 2-ёш гуруҳда деярли 1,1 марта юқори. 3 ва 6 ой кузатувдан сўнг эришилган даража билан таққослаганда сезилмас даражада кўтарилишда

давом этди, лекин дастлабки маълумотлардан юқорилиги сақланди. Оқ шакли мавжуд 1-ёш гуруҳида дастлабки қийматдан 1,1 марта, 2-ёш гуруҳида 1,15 марта юқори. Туғма юрак нуқсони мавжуд болаларда 3 ва 6 ой кузатув муддатида оғиз суяқлигида рН кўрсаткичи асосан даволашдан кейин эришилган даражада сақланди, лекин сезилмас даражада пасайди.

3-жадвал

Туғма юрак нуқсони мавжуд болаларда стоматологик профилактика комплекс тадбирлари ўтказилгандан сўнг оғиз бўшлиғи рН муҳитининг ўзгариш динамикаси (M±m)

Ўрганилган вақт	Кўк шакли		Оқ шакли		Бемор болалар назорат гуруҳи
	1- ёш гуруҳ, 4-5 ёш	2- ёш гуруҳ, 8-9 ёш	1- ёш гуруҳ, 4-5 ёш	2- ёш гуруҳ, 8-9 ёш	
Даволашдан олдин	6,40±0,19	6,40±0,29	6,50±0,16	6,45±0,16	6,50±0,28
Даволашдан кейин	6,75±0,30	6,80±0,24	6,75±0,19	6,73±0,19	6,70±0,40
3 ойдан сўнг	6,72±0,31	6,75±0,20	6,72±0,23	6,79±0,23	6,60±0,21
6 ойдан сўнг	6,72±0,33	6,70±0,30	6,70±0,26	6,75±0,26	6,50±0,35

Изох: * - бемор болалар назорат гуруҳига нисбатан (* - $P<0,001$; ** - $P<0,01$; *** - $P<0,05$); ^x – Даволашдан олдинги натижаларга нисбатан фарқларнинг ишончилиги белгиланган (^α - $P<0,001$; ^{xx} - $P<0,01$; ^{xxx} - $P<0,05$).

Тиш кариеси ва эмалнинг ўчоқли деминерализацияси интенсивлиги назорат гуруҳи билан таққослаганда интенсивлиги ишончли пасайган, ЭРТКБ-тест кўрсаткичи болаларнинг тишларида эмал реминераллашувининг ортишидан гувоҳлик берган (4-жадвал).

4-жадвал

Туғма юрак нуқсони мавжуд болаларда стоматологик профилактика комплекс тадбирлари ўтказилгандан сўнг ЭРТКБ кўрсаткичларининг ўзгариш динамикаси (M±m)

Ўрганилган вақт	Кўк шакли		Оқ шакли		Бемор болалар назорат гуруҳи
	1- ёш гуруҳ, 4-5 ёш	2- ёш гуруҳ, 8-9 ёш	1- ёш гуруҳ, 4-5 ёш	2- ёш гуруҳ, 8-9 ёш	
Даволашдан олдин	4,20±0,18 ^{xx}	4,30±0,11*	3,80±0,15 ^{xxx}	3,90±0,15*	3,85±0,2
Даволашдан кейин	3,40±0,2*	3,50±0,2*	3,30±0,1*	3,20±0,1*	3,80±0,5
3 ойдан сўнг	3,40±0,3*	3,25±0,3*	3,05±0,2*	2,95±0,3*	3,86±0,4
6 ойдан сўнг	3,20±0,2*	3,08±0,4*	3,00±0,2*	2,95±0,4*	3,90±0,5

Изох: * - назорат гуруҳига нисбатан (* - $P<0,001$; ** - $P<0,01$; *** - $P<0,05$); ^x – Даволашдан олдинги натижаларга нисбатан фарқларнинг ишончилиги белгиланган (^α - $P<0,001$; ^{xx} - $P<0,01$; ^{xxx} - $P<0,05$).

Туғма юрак нуқсони кўк шакли мавжуд 1-ёш гуруҳида ушбу ўрганилаётган кўрсаткич стоматологик профилактика комплекс тадбиридан сўнг 1,2 марта паст, 2-ёш гуруҳида 1,2 марта паст. 3 ва 6 ой кузатувдан сўнг пасайишни давом этди. Оқ шакли мавжуд ҳар иккала ёш гуруҳида дастлабки қийматдан 1,2 марта пасайгани аниқланди. 3 ва 6 ой кузатувдан сўнг пасайишни давом этди ва 6 ойдан сўнг 1,3 мартага паст натижага қайд қилинди.

Хулоса

Шундай қилиб, анъанавий даволаш амалиёти ўтказилган беморларнинг назорат гуруҳида юқорида келтирилган ва аралаш сўлак кўрсаткичларида ўзгаришлар динамикасининг таққосланиши туғма юрак нуқсони мавжуд бемор болалар учун таклиф қилинаётган стоматологик профилактика комплекс тадбирларнинг етарлича юқори самарадорлигидан гувоҳлик қилмоқда.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Hamroyeva Dilafruz Shukurovna. General Dental Condition and Characteristics of Dental Caries in Children with Heart Defects // American Journal of Medicine and Medical Sciences. USA. 2023;2(13):153-155.
2. Ҳамроева Дилафрўз Шукуровна. Туғма юрак нуқсони билан касалланган болаларда оғиз суюқлигини клинико-лаборатор текшириш ва тиш кариеси профилактикасини такомиллаштириш // Тиббиётда янги кун. Илмий-рефератив, марифий-маънавий журнал. Бухоро. 2023;6(56):232-237.
3. Hamroeva Dilafruz Shukurovna. Prevalence Indicators of Caries and Parodont Soft Tissue Diseases in Children with Congenital Heart Defects // Eurasian Medical Research Periodical. Belgium. - 2023;21:165-169. (Impact factor: 8.1)
4. Ҳамроева Д. Ш. Юрак нуқсони билан оғриган болаларда пародонт тўқималари ҳолатининг цитологик ўзгаришларини аниқлаш кўрсаткичлари // Доктор Ахборотномаси. Илмий-амалий журнал. Самарканд. 2023;2(110):105-110.
5. Ҳамроева Дилафруз Шукуровна. Юрак нуқсони билан касалланган болаларда асосий стоматологик касалликларнинг тарқалиш кўрсаткичларини баҳолаш // Журнал стоматологии и краниофациальных исследований. Самарканд. 2023;4(3):23-26.
6. Ҳамроева Дилафруз Шукуровна. Сравнительная эффективность лечения начального кариеса зубов у детей с врожденными пороками сердца // Научные тенденции в медицине. Ташкент. 2024;3:11-19.
7. Ҳамроева Дилафруз Шукуровна. Туғма юрак нуқсони мавжуд болаларда пародонт тўқималари ҳолатининг цитологик кўрсаткичларининг дастлабки натижалари // Amaliy va tibbiyot fanlari ilmiy jurnali. Самарканд. 2024;3(4):14-17.
8. Ҳамроева Дилафрўз Шукуровна. Болаларда доғ босқичидаги кариесни кариес инфильтрация усули билан даволашнинг самарадорлиги // International scientific journal «MODERN SCIENCE AND RESEARCH». –Тошкент. – 2024;3(6):292-297. UIF:8.2.
9. Hamroyeva Dilafruz Shukurovna. Comparative effectiveness of treatment of initial dental caries in children // New day in medicine. 2024;12(74):30-33. Bukhara.
10. Hamroyeva Dilafruz Shukurovna. Improving the Diagnosis and Treatment of Tooth Enamel Demineralization in Children with Heart Defects // American Journal of Pediatric Medicine and Health Sciences (2993-2149). America. 2024;2(3):296-301.
11. Hamroeva Dilafruz Shukurovna. Comparative Evaluation of the Therapeutic Effect of Individual and Complex Dental Examination in Children with Common Heart Disease// International Journal of Integrative and Modern Medicine. America. 2024;2(7):111-115.
12. Hamroyeva Dilafruz Shukurovna. The effectiveness of the treatment of initial dental caries in children by the method of caries infiltration // Web of Medicine: Journal of medicine, practice and nursing. ISSN (E): 2938-3765 IFSIJ JIF: 7.555. –Terrassa, Barcelona, Spain. 2024;2(7):7-11.
13. Hamroeva Dilafruz Shukurovna. Assessment Of The Oral Cavity In Children With Congenital And Acquired Heart Defects // Eurasian Medical Research Periodical. – Belgium. 2024;34:9-13. (Impact Factor: 8.120)
14. Shakhnoza Khojaeva, Otabek Rajabov, Lola Muhsinova, Dilafruz Hamroyeva, Shahzoda Samadova, and Nozima Kazakova. Increasing the effectiveness of complex influence on the condition of parodontal tissue in patients with diseases of the digestive system and having fixed dentures // Global Summit on Life Sciences and Bio-Innovation: From Agriculture to Biomedicine- Франция. 2024;121:1-14.
15. Ҳамроева Дилафруз Шукуровна. Юрак нуқсони мавжуд болаларда оғиз суюқлиги кўрсаткичларининг дастлабки натижаларини аниқлаш // Universal journal of medical and natural sciences. Andijon. 2025;3(23):4-11.
16. Hamroyeva Dilafruz Shukurovna. Effectiveness of treating dental caries in children with Icon technology // International Journal of Integrative and Modern Medicine. –America. 2025;3(5):1-5.
17. Khamroeva Dilafruz Shukurovna. Dynamics of the change in the level of oral hygiene under complex measures of dental prophylaxis in children with a heart defect // International Journal of Integrative and Modern Medicine. America. 2025;3(5):95-97.

Поступила 20.09.2025